

Ta'limning zamonaviy transformatsiyasi

ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ ҚАСДДАН ОДАМ

ЎЛДИРИШ ЖИНОЯТИНИНГ ВИКТИМОЛОГИК

ПРОФИЛАКТИКАСИ БҮЙИЧА ФАОЛИЯТИ

ОЛИМЖОНОВ ЖАСУРБЕК БОТИРЖОН ЎГЛИ

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси кундузги таълим З-курс
курсанти

Аннотация: мазкур мақолада профилатика инспекторининг қасддан одам ўлдириши жиноятларнинг виктимологик профилактикасига доир фаолияти тушунчаси ва унинг ўзига хос хусусиятлари бундан ташкири профилактика инспекторининг қасддан одам ўлдириши жиноятларнинг виктимологик профилактикасига доир фаолиятининг ташкилий-хуқуқий асослари, ушбу фаолиятни ташкил этиши тартиби, шунингдек, қасддан одам ўлдириши жиноятларнинг виктимологик профилактикасида доир фаолиятининг хуқуқий асослари, профилактика инспекторининг қасддан одам ўлдириши жиноятларнинг виктимологик профилактикаси фаолияти бўйича хорижий давлатлар тажрибаси хамда қасддан одам ўлдириши жиноятларнинг виктимологик профилактикаси фаолиятини такомилаштириши йўналишилари, шунингдек, юкорида келтириб ўтилган жиҳатларидан фойдаланган холда ушбу фаолиятни такомилаштириши йўналишилари ёритиб ўтилди.

Калим сўзлар: Профилатика инспекторининг қасддан одам ўлдириши жиноятларнинг виктимологик профилактикасида доир фаолияти тушунчаси, унинг ўзига хос хусусиятлари профилактика, профилактика инспекторининг қасддан одам ўлдириши жиноятларнинг виктимологик профилактикасида доир фаолиятининг ташкилий-хуқуқий асослари.

Аннотация: в данной статье рассмотрено понятие деятельности инспектора-профилактика по виктимологической профилактике умышленных преступлений, связанных с убийством, и ее особенности, а

Ta'limning zamonaviy transformatsiyasi

также организационно-правовые основы деятельности инспектора-профилактика по виктимологической профилактике умышленных преступлений, связанных с убийством. порядок организации данной деятельности, а также виктимологическая профилактика умышленных преступлений, связанных с убийством, правовые основы профилактической деятельности опыта зарубежных стран в деятельности инспекторской виктимологической профилактики умышленных преступлений, связанных с убийством, а также направления совершенствования деятельности виктимологической профилактики умышленных преступлений, связанных с убийством, а также направления совершенствования этой деятельности с использованием вышеизложенного. упомянутые аспекты были выделены.

Ключевые слова: понятие деятельности инспектора по виктимологической профилактике умышленных преступлений, связанных с убийством, ее особенности, профилактика, организационно-правовые основы деятельности инспектора по виктимологической профилактике умышленных преступлений, связанных с убийством.

Жамиятда барқарорлик, тинчлик ва осойишталикни қарор топтириш, инсон ҳукуқ ва эркинликларига сўзсиз риоя этилишини таъминлаш мамлакатни ижтимоий-иктисодий жиҳатдан янада ривожлантириш, аҳоли фаровонлигини юксалтириш, ҳукукий демократик давлат қуриш бўйича амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлардан кўзланган мақсадларга эришишнинг муҳим шарти ҳисобланади. Фуқароларнинг ҳукуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, жамоат тартибини сақлаш, шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини таъминлаш, жиноятларнинг олдини олиш ва профилактикаси бўйича республикада яхлит ҳукукий тизим яратилган бўлиб, унда ички ишлар органлари муҳим ўрин эгаллайди¹. Ўтган давр мобайнида ички ишлар органлари тизимини такомиллаштириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Айниқса, ички ишлар органларининг маҳаллаларда жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар

Ta'limning zamonaviy transformatsiyasi

хавфсизлигини таъминлаш, хукуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш учун ташкил этилган қуий бўғинини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш бўйича салмоқли ишлар қилинди. Амалга оширилган чора-тадбирлар ички ишлар органлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш, фуқароларнинг тинч ва осойишта ҳаёт кечиришини таъминлаш, юртимизда жиноятчиликнинг ўсишига йўл кўймаслик имконини берди. Бугунги кунда юзага келаётган хавф-хатар ва таҳдидлар, аввало, халқаро терроризм ва қасдан одам ўлдириш жиноятлар, диний экстремизм, ноқонуний миграция, одам савдоси, ёшлар ўртасида халқимизга ёт ғоялар тарқалишининг тобора кучайиб бораётганлиги ички ишлар органлари олдига ўз вақтида уларнинг олдини олиш ва уларга барҳам бериш бўйича янги вазифаларни қўймоқда.

Давлатнинг бош вазифаларидан бири инсон ҳақида ғамхўрлик қилишdir. Бинобарин Ўзбекистон Республикаси Конституциясида инсон омили, унинг шахсий хукуқ ва эркинликлари мустаҳкамлангандир. Конституция нормаларида, ҳар қандай ҳолатдан қатъи назар, шахснинг қонуний хукуқ ва манфаатлари кафолатланган ва ҳимоя қилинган. Чунончи, эски таҳрирдаги Конституциямизнинг 18-моддасида¹ «Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил хукуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар», деб қайд этилган бўлса, унинг 19-моддасида «Фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган хукуқ ва эркинликлари дахлсизdir, улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас», дейилади.

Жиноят кодексининг «Шахсга қарши жиноятлар» бўлимида ҳаётга, соғлиққа қарши, ҳаёт ёки соғлиқ учун хавфли, жинсий эркинликка, оиласа, ёшларга ва ахлокқа, шахснинг озодлиги, шаъни, қадр-қимматига, фуқароларнинг конституциявий хукуқ ва эркинликларига қарши қаратилган

¹ Эски таҳрирдаги Конституциямизнинг 18-моддасида
www.tadqiqotlar.uz

Ta'limning zamonaviy transformatsiyasi

жиноятлар учун жавобгарлик белгиланган бўлиб, бу жиноятлар жамият учун жиддий хавф тугдиради. Дарҳақиқат, инсоннинг ҳаёти ва соғлиғи шахснинг бебаҳо бойлиги ҳисобланади ва унинг бу бойликлардан маҳрум этилиши ёки уларга шикаст етказилиши шахс учун фожия ҳисобланади. Инсон яшар экан, ҳаётдан, унинг неъматларидан баҳраманд бўлиб яшашга интилади, ҳаётдан маҳрум қилинган шахснинг ўрнини ҳеч нарса билан тўлдириб бўлмайди. Инсоннинг соғлиғига зарар етказилиши унга жисмоний, ахлоқий, руҳий азоблар бериб, унинг ҳаётий фаолиятини чеклаб қўяди.

Жиноят кодекси Махсус қисмининг биринчи бўлимида шахсга қарши жиноятларнинг бир неча тури учун жавобгарлик кўзда тутилган бўлиб, улар бевосита обьекти бўйича қўйидаги гурухларга ажратилган:

- 1) қасдан одам ўлдириш жиноятлар;
- 2) соғлиққа қарши жиноятлар;
- 3) ҳаёт ёки соғлик учун хавфли жиноятлар;
- 4) жинсий эркинликка қарши жиноятлар;
- 5) оиласа, ёшларга ва ахлоққа қарши жиноятлар;
- 6) шахснинг озодлиги, шаъни ва қадр-қимматига қарши жиноятлар;
- 7) фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига қарши жиноятлар.

Инсон ҳаётига тажовуз қилиш оғир ва ўта хавфли жиноятлардан бири ҳисобланиб, айнан бундай жиноятлар содир этилиши натижасида муҳим ижтимоий қимматлик саналган инсон ҳаётига тузатиб бўлмас (тиклаб бўлмайдиган) зарар етказилади. Инсон ҳаёти физиологик туғиш бошлангандан то биологик ўлим (юракда қон айланиш ва мия ҳужайраларини кислород билан таъминлаш фаолиятининг тўхташи ва уни тиклаб бўлмас жараёни) рўй бергунга қадар давом этади. Қасдан одам ўлдириш жиноятларни тўғри квалификация қилиш учун инсон ҳаётининг бошланиш вақти ва ўлим келиб чиқиши вақтини аниқлаш муҳим ҳуқуқий аҳамият касб этади. Масалан, она қорнидаги туғилмаган болага тажовуз қилиш ҳомиладор аёл соғлиғига зарар етказиш деб, тирик одам деб мурдага тажовуз қилиш қасдан одам ўлдиришга

Ta'limning zamonaviy transformatsiyasi

сүиқасд қилиш деб баҳоланади.²

Шахснинг қасдан одам ўлдириши жиноятларнинг виктимологик профилактикасини бевосита амалга оширувчи субъектларга қуидагилар киради:

- ички ишлар органлари;
- прокуратура органлари;
- давлат хавфсизлик хизмати органлари;
- давлат соғлиқни сақлаш тизимини бошқариш органлари ва соғлиқни сақлаш муассасалари;
- Миллий Гвардия органлари;
- Президент давлат хавфсизлик хизмати органлари.

Хар қандай фаолиятнинг принциплари бўлгани каби қасдан одам ўлдириши жиноятларнинг виктимологик профилактикасининг асосий принциплари ҳам мавжуд бўлиб улар қуидагилардир:

- ¬ қонунийлик;
- ¬ инсонпарварлик;
- ¬ тизимлилик;
- ¬ ишонтириш усулининг устуворлиги;
- ¬ таъсир кўрсатиш чора-тадбирларини фарқлаш ва якка тартибдаги ёндашиш.

Қасдан одам ўлдириши жиноятларнинг виктимологик профилактикаси шакллари:

1. оғзаки;
2. ёзма;
3. кўргазмали.

Қасдан одам ўлдириши жиноятларнинг виктимологик профилактикасида асосан қуидаги усуллардан кен фойдаланилади:

1. ишонтириш;

² Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси.

Ta'limning zamonaviy transformatsiyasi

2. рағбатлантириш;
3. огоҳлантириш;
4. мажбурлаш.

Ички ишлар органлари томонидан қасдан одам ўлдириш жиноятларнинг виктимологик профилактикасининг қуидаги чоратадбирлари амалга оширилади:

→ қасдан одам ўлдириш жиноятлардан жабрланувчиларни ўз вақтида аниқлаш ва ҳимоя қилиш:

→ қасдан одам ўлдириш жиноятлардан жабрланганларнинг индивидуал ва ижтимоий-психологик хусусиятларидан келиб чиқиб профилактика тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

→ қасдан одам ўлдириш жиноятлардан жабрланишнинг сабаблари ва унга имкон берган шарт-шароитларни ўрганиш, таҳлил қилиш ҳамда жабрланиш эҳтимоли юқори бўлган шахслар тоифаларини аниқлаш;

→ қасдан одам ўлдириш жиноятлардан виктимологик профилактикаси чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

→ қасдан одам ўлдириш жиноятлардан жабрланувчиларни умумий ва якка тартибда қонунда назарда тутилган ўзини ўзи мудофаа қилиш усуллари ва воситалари тўғрисида хабардор қилиш;

→ қасдан одам ўлдириш жиноятлардан жабрланувчиларга ёрдам кўрсатувчи ихтисослаштирилган муассасаларни ташкил этиш бўйича асослантирилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

→ қасдан одам ўлдириш жиноятлардан жабрланувчининг жисмоний ва психологик хавфсизлигини таъминлашга қаратилган маҳсус комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш, шунингдек ишлаб чиқишда иштирок этиш ва амалга ошириш;

→ ғайриижтимоий хулқ-атвор нисбатан тез-тез қузатиладиган ёки қасдан одам ўлдиришжиноятлар тез-тез содир бўлиб турадиган жойларга (худудларга) патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш хизматини жалб этиш;

Ta'limning zamonaviy transformatsiyasi

- хужум қилинган тақдирда зарурий мудофаа ва охирги зарурат чегаралари ҳақидағи маълумотларни тарғибот-ташвиқот қилиш орқали ахолида қилинган хужумни бартараф этиш кўникмаларини шакллантириш;
- ғайриижтимоий хулқ-атвор, тайёрланаётган, содир этилаётган ёки содир этилган қасдан одам ўлдиришжиноятлар тўғрисида ахборотни тезкорлик билан олиш, уларни бартараф этиш.³

Хулоса ўрнида, қасдан одам ўлдириш жиноятларга қарши курашда самарали натижаларга эришиш, унинг микдорини энг паст даражагача тушириш, салбий оқибатларини камайтириш учун жиноятларнинг сабаб ва шароитларини ўрганиш, бунинг учун эса, биринчи навбатда жиноятларнинг сабаб ва шароитларини ўрганиш ва умумлаштириш орқали уларнинг содир этилишини тақозо қиласиган, уларни озиқлантирадиган, кўпайишини таъминлайдиган ҳодиса, воқеа ва жараёнлар аниқланади ҳамда уларни бартараф қилиш чоралари ишлаб чиқиш мумкин дейишимиз мумкин.Хусусан Республикаизда 2019-йил якуни бўйича қасдан одам ўлдириш жиноятларнинг 51 фоизинии⁴ оила турмуш муносабатларидаги жиноятлар ташкил қиласиди. Шундай экан мазкур жиноятларнинг олдини олиш унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш ва бартараф этиш мақсадиди асосий этиборни ахолининг оилавий муаммоларига қаратишимиз керак.Ушбу холатларнинг олдини олиш учун маҳсус чора тадбирлар ишлаб чиқиш лозим.Бунда асосий этиборни давлат органлари ва жамоатчилик тузилмалари билан хамкорлик қилиш орқали хонадонма-хонадон кириб уларнинг муаммолари тўлиқ ўрганиб чиқилиб уларга амалий ечим топишимиз зарур.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси.

³ Ўзбекистон Республикасининг «Хукуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида» ги 2014 йил 14 майдаги қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами. Т-2014. – № 20. – 221-м.

⁴ <https://stat.uz>

Ta'limning zamonaviy transformatsiyasi

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекси.

Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси.

Бола хуқуқлари тўғрисидаги Конвенция // БМТ Бош Ассамблеяси 20 ноябрь 1989 й. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши томонидан 1992 йил 9 декабрда ратификация қилинган.

Ўзбекистон Республикасининг «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги 2016 йил 16 сентябрь қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. Т-2016 № 38. – 438-м.

Ўзбекистон Республикасининг «Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги 2014 йил 14 майдаги қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. Т-2014. – № 20. – 221-м.

Ўзбекистон Республикасининг «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида» ги 2016 йил 14 сентябрь қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. Т-2016 й, 37-сон, 426-модда.

Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида» ги 2017 йил 11 сентябрь қонуни (янги таҳрири) // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. Т- 2017.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида» ги ПФ-60-сонли Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. Т-2021.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 2004 йил 24 сентябрдаги “Қасдан одам ўлдиришга доир ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида “ги 13-сонли қарори

Интернет сайтлари:

<http://akadmvd.uz> (Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси)

<http://lex.uz> (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси)

Ta'limning zamonaviy transformatsiyasi

[http:// www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz) (Ахборот таълим тармоғи)

[http:// www.tsul.uz](http://www.tsul.uz) (Тошкент Давлат Юридик Университети)

<https://gazeta.uz/uzc/news/uzbnews>

<https://stat.uz>